

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2018 —
апрель

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Х.МУХАММЕДОВА Викториан инглиз адабиётида аёл тақдирининг акс эттирилиш.....	73
ТИЛШУНОСЛИК	
К.КАРИМОВ Маданиятлараро мулоқот ва таржима муаммолари.....	76
У.НОСИРОВА Поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари	80
Н.АХМАДЖОНОВ Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир	83
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Д.ОХУНОВА Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантириш асослари	86
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
А.ЎРИНОВ, Ф.ФОЗИЛОВА Коеффициенти узилишга эга бўлган оддий дифференциал тенглама учун умумлашган спектрал масала	89
Ш.КАРИМОВ, Л.РАХИМОВА Векуа-Эрдей-Лоундес типига янги алмаштириш операторларни қуришнинг бир усули ҳақида.....	92
Х.ШОДМОНОВ, Ш.АКРАМОВ Қанд лавлаги – қимматбаҳо техник экин.....	94
А.ҚАМБАРОВ, А.НУРМУҲАММАДЖОНОВ Шайх Акбар (Улуғ Шайх)нинг диний-фалсафий меросига бир назар	97
У.НАЗИРОВ Бадий маданият: мазмун-моҳияти, структура ва функциялари.....	100
А.КОСИМОВ XX аср ўзбек ва рус адабиётида тинчлик ва инсон тушунчаси (талқини ва тадқиқотлари).....	102
Д.ХУСЕНОВА Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сида шарқона қарашлар ҳамоҳанглиги	105
А.МАМАТОВ, Р.АХРОРОВА Концептнинг тоифалари.....	108
К.ХОДЖАХАНОВА Мактаб ўқувчиларида натурадан расм ишлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари.....	110
Б.ҚУРБОНОВА Ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини тасвирий санъат орқали тарбиялаш омиллари.....	113
Н.МЕРГАНОВА Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти.....	115
Э.ДЖАББАРОВА Модуляр таълим инновацион таълим сифатида	118
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ Узлуксиз таълим жараёнида тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари	121
АДАБИЙ ТАҚВИМ	
Ибратли ҳаёт йўли.....	124
ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография.....	127

ШАЙХ АКБАР(УЛУҒ ШАЙХ)НИНГ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ
МЕРОСИГА БИР НАЗАР

А.Қамбаров, А.Нурмухаммаджонов

Аннотация

Мақолада Ўрта асрлар шарқ фалсафасининг забардаст алломаларидан бири – Шайх Акбарнинг илмий-фалсафий ва тасаввуфга оид мероси ҳақида фикр юритилган.

Аннотация

Авторы статьи рассуждают о суфистическом и философическом наследии одного из выдающихся ученых Восточной философии Средних веков, Шейха Акбара.

Annotation

In this article, sufistic and philosophical heritage of Shaykh Akbar, one of the most outstanding scientist of the Eastern philosophy of the Middle Ages, is stated.

Таянч сўз ва иборалар: мутафаккир, маънавий мерос, илмий мерос, сўфийлик, тасаввуф, пантеистик, "Ваҳдат ул вуҷуд", олам, инсон, диний бағрикенглик, муҳошафа.

Ключевые слова и выражения: мыслитель, культурное наследие, научное наследие, суфизм, мистицизм, пантеистический, "Вахдат ул вуҷуд", вселенная, человек, религиозная толерантность.

Keywords and expressions: thinker, cultural heritage, scientific heritage, sufism, mysticism, pantheistic, "Vahdat ul Vujud", world, human body, religious tolerance.

Ўрта асрларда Шарқ алломалари ва мутафаккирлари яратган ва бизга мерос бўлиб қолган табиий-илмий, диний-фалсафий таълимотлари бугунги кунда ҳам илм-фан равнақиға, баркамол авлод тарбиясига беназир хизмат қилиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан Ўрта асрлар мутафаккирларининг илмий меросини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Ўрта асрлар Шарқ фалсафасининг забардаст алломаларидан бири Муҳйиддин ибн Арабий (1165-1240)дир. Мутафаккирнинг тўлиқ исми Ибн ал-Арабий Абу Бакр Муҳаммад [1.49] бўлиб, у асосан Испания ва Шимолий Африкада яшаб ижод қилган, аммо тез-тез Дамашқ, Бағдод ва бошқа араб шаҳарларига саёҳат қилиб, илм-фан вакиллари ва намояндалари билан кўплаб мулоқотда бўлган. Шу билан бирга улардан ўрганган, уларга ўргатган. У Анталусия (ҳозирги Испания) мадрасаларида таҳсил олиб, ўз билимларини мунтазам ошириб борган. Муҳйиддин ибн Арабий араб мутафаккири ва шоири бўлиш билан бирга, суфийликнинг кўзга кўринган намояндаси ҳамдир. Шу боис у тасаввуф донишмандлари, орифлари ва муҳиблари ўртасида "Шайхи Акбар", "Улуғ Шайх" унвонларига эга бўлган.

Таниқли тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққул таъкидлаганидек,

"Муҳйиддин ибн Арабий шахсияти илоҳий завқ ва кашфдан туғилган асарлари, мана, орадан неча асрлар ўтса ҳамки, ҳамон зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда". Бунинг сабаби унинг ақлий-илмий, диний-фалсафий салоҳияти юқори бўлганлигидандир.

Дунёни англаш ва англашнинг йўллари ҳар хил бўлиб, энг мароқлиси муҳошафадир. Муҳошафа – маънавий бир идрок, руҳда туғилган маъно, қалб ила кашф этилган ҳақиқат ва Ҳақ(Оллоҳ) лутфи туфайли сирни очиш демақдир. Бу – билим йўли. Завқ ва илҳом йўли билан бўлиб, унга етишиш Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам камдан-кам ижодкорларга насиб этган.

Ибн Арабий ижодиётининг жаҳон илм-фани ва маданияти тарихида мислсиз ҳодиса сифатида эътироф этилишининг асосий сабаби ул зотнинг том маънодаги муҳошафа (қалб кўзи билан кўриш) истеъдодига эга бўлганидандир. Ибн Арабий ўспиринлик чоғларидаёқ муҳошафа сирларига астойдил қизиққан, унинг илм, ҳол ва завққа дахлдор маъноларини билиб олишга тиришган" [2.93].

Ибн Арабий фалсафада пантеистик (Худони табиат билан бир, табиат Оллоҳнинг мужассамлашган ҳолати деб тушуниш) нуқтаи назарда турган. Бу

А.Қамбаров – ФарДУ, фалсафа фанлари номзоди, доцент.
А.Нурмухаммаджонов – ФарДУ ижтимоий иш кафедраси катта ўқитувчиси.

таълимот Испания, Шимолий Африкадан ташқари, XII-XIII асрларда Эрон, Ироқ, Сурия ва Ўрта Осиёда кенг ёйилиб, оммавийлашиб кетди. Уни ўз замонасининг буюк файласуфи Ибн Рушд (лотинча Аверроэс) билан учрашиб, суҳбатларида бўлиши унинг фалсафий тафаккурини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган.

Ибн Арабий ғоят сермаҳсул аллома бўлиб, унинг 500 га яқин асаридан, араб тилида ёзилган 150 тага яқини бизгача етиб келган. Ўз даврининг етук алломаси сифатида Абу Наср Форобий каби кўп тилларни билган ва улардан унумли фойдаланган.

Донишманднинг машҳур асари “Футуҳот Ал-Маккия” (Макканинг фатҳ этилиши) бўлиб, у 560 бобдан иборат матнида олимнинг мистик-пантеистик (илоҳийшунослик) дунёқараши баён этилган. Мутафаккир ёшлигидан тасаввуф илмини эгаллаган, шунга мувофиқ Оллоҳ йўлида фидойилик, таркидунёчилик, ҳалимлик, инсонпарварлик каби фазилатлар унинг шахсига ҳам, илмига ҳам сингиб кетган. Масалан, манбаларда ёзилишича, Шом ҳокими Абубакр бин Айюб алломани кўп ҳурмат қилган ва ҳукумат хазинасидан унга эҳтиёжлари учун жуда кўп маблағ ажратган. Рум ҳокими эса минг дирҳам сарфлаб, уй қуриб берган. Бир куни ўша ҳовлида яшаб турган чоғида бир гадоё Оллоҳ ризоси учун нимадир беришини тилади. Шунда Ибн Арабий: “Шу уйдан бошқа ҳеч вақом йўқ, ма, шуни ола қол” деб, уйини ташлаб чиқиб кетган экан [2.95].

Юқорида таъкидланганидек, унинг Оллоҳ ва табиатнинг бирлиги тўғрисидаги ғояси мутасаввуфнинг “Ваҳдат ул-вужуд” деб номланадиган таълимотида асослаб берилган. Бу таълимотга кўра барча нарсалар, авваломбор, ғоя кўринишида Оллоҳ онгида мавжуд бўлади. Ундан келиб чиқади ва Унга қайтади. Олам, борлиқ фақат ўша бир Ягона(Яратган)нинг ташқи, зоҳирий кўриниши ёки томони, Оллоҳ эса оламнинг ички томони, моҳияти, Оллоҳ ҳар қандай сифатларидан мутлақ озод, эркин, У фақат борлиқнинг асосидир. Ушбу ғояни умумлаштириб, мутафаккир Оллоҳ ва оламнинг бирлиги “яратилмишнинг борлиғи Яратувчи борлиғининг моҳиятидир” деган фикрга келади. Ибн Арабийни борлиқ (вужуд) деганда ташқи, зоҳирий, эмпирик

борлиқни эмас, балки ички, ботиний субстанционал борлиқни назарда тутати.

Файласуфнинг “Фасус ал-Ҳикам” (“Ҳикматларнинг жавҳари”) номли асари Дамашқда яшаган даврда (1223 йилдан бошлаб) ёзилган бўлиб, унга 150 дан ортиқ шарҳлар берилган, шунингдек, асарда диний-пантеистик қарашлар баён этилган. Шуниси эътиборга лойиқки, мутафаккирнинг асарлари орасида Қуръони каримнинг аллегорик тафсири (маъжозий тафсири ва тасаввуф иборалари луғати) “Ал-истиҳолат ассўфийа” ҳам бор [3.335]. Қуйида ана шу манбаларга таяниб, Улуғ Шайхнинг тасаввуф таълимотидаги пантеистик қарашларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўхталамиз.

Оламда барча нарса, инсоннинг руҳи (жони) ҳам илоҳий илк манба тажаллиси (эманацияси)дир. Шунинг учун, илоҳий қудрат бутун олам узра ёйилган, лекин Оллоҳ Ўзигагина хос бўлган жиҳатларидан, сифатлардан марҳум эмас. У доимо инсон руҳи билан мулоқотда бўлади.

Буюк Шайх Оллоҳнинг моҳиятини тўлиқ билиш мумкин эмас, чунки у кўплик оламига мансуб, деб ҳисоблайди. Яратувчи (Оллоҳ) тимсоли – унинг таълимотига кўра, бизнинг тасаввурларимизда пайдо бўлади: “Уни биз яратамиз”, “У ўзини биз учун, бизнинг воситамизда тасвирлайди”, деб уқтиради [4.30]. Мутафаккир тасаввуф таълимоти асосида фикр юритиб, Оллоҳ ҳиссий ва интеллектуал билимлардан юқорироқ турадиган мистик тажалли, ақлий мунавварлик ёрдамида билиб олинади, деб тушунтиради. “Якка худолик” тўғрисидаги “Ваҳдат ул-вужуд” концепциясига суяниб, у барча нарсалар, авваломбор, Оллоҳнинг ақлида руҳ ва ғоя сифатида мавжуд бўлади, у ерда пайдо бўлади ва унга қайтади, деб ҳисоблайди. Олам ўша ягона борлиқнинг ташқи томони, Оллоҳ эса ички томони. Худо ҳар қандай белгилардан, аъзолардан мутлақ ҳоли, у фақат бутун борлиқнинг асосидир. Ибн Арабийнинг таълимотида “Ваҳдат ул-вужуд” асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам Олам, инсон, манзиллар, илоҳий йўлнинг ҳолатлари, пайғамбарлик ва авлиёлик муносабатлари, тасаввуфий суфиёна тасаввурларни буюк мутасаввуф тартибга солди ва тўлдирди. “Ваҳдат ул-вужуд” концепциясини охиригача яратди.

“Ваҳдат ул-вужуд” фалсафий тизимда инсон нафақат ташқи олам-микрокосмнинг мезони сифатида тушуниладиган микрокосмосгина эмас, у анча кенгроқ тушунча: у Оллоҳ ва олам ўртасидаги восита сифатидаги бўғин, у ўзида илоҳий руҳнинг, иймоннинг ҳам, нафснинг (ҳайвоний хислатнинг) ҳам соҳиби бўлганлиги учун космик борлиқнинг ва феноменал воқеликнинг бирлигини таъминлайди. Оллоҳни табиатга сингдириб юборадиган, “Худо бутун борлиқдир”, деган илоҳий мистик тасаввурларни олдинга сурадиган, натурал (табиий) пантеизмдан фарқли ўлароқ, мистик пантеизм табиатни Оллоҳга сингдириб, “Бутун борлиқ Худодир” деган тамойилни олға суради.

Шайхи Акбар бир ўринда Оллоҳ тўғрисида мулоҳаза юритиб, у яратган олам хилма-хил эканлигини таъкидлаб шундай деб ёзган: “Ё Оллоҳ” дейди араблар, эронийлар “Эй худой” десалар, Румлар Унга “Эйсиё” деб мурожаат қилади, арманилар “Эй Асфож” дерлар. Турклар унга “Эй тангри”, Фаранклар “Эй критур” дея мурожаат қилур. Ҳабашлар эса “Эй Вооқ” деймишлар. Зеро, бу лафзларнинг барчаси ягона бир маъно учун хилма-хиллик касб этмишдир” [2.97]. У энг йирик мусулмон мутасаввуф бўлганлиги сабабли ҳам уни издошлари ўз даврида “Афлотуннинг ўғли”, деб ардоқлаганлар, илм-фандаги, илоҳиёт илмидаги буюк ҳиссасини доимо эътироф этиб келганлар.

Ибн Арабий диний бағрикенглик, дунёқарашларнинг турли-туманлиги тарафдори бўлган, мутаассиб диндорларни

инкор этган “Ҳамма жойда ҳозир ва қодир Оллоҳ фақат битта эътиқод билан қаноатланмайди. Қуръонда айтилганидек, қаёққа қарасанг Оллоҳнинг жамолини кўрасан. Ҳар ким ўзи ишонганга ибодат қилади, унинг худоси унинг шахсий табиатида мавжуд ва Унга ибодат қилаётганда у ўзини-ўзи олқишлайди” [5.112]. Ушбу фикрлар бугунги кунда ҳам ислом динидан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга интилаётган экстремистик гуруҳларга қарши курашда муҳим ғоявий манба бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, аллома ўзининг илмий-фалсафий мероси ҳақида шундай деб ёзган эди: “Ҳар бир аср бир шахснинг номи ила эсланур, бундан кейинги барча асрлар менинг номим ила хотирланажак” [2.29]. Ҳа, буюк Шайх тириклигидаёқ, ўзига маҳобатли ҳайкал қўйиб кетди. Мутафаккирнинг тасаввуф хазинасига қўшган ҳиссаси ва илмий-назарий мероси бунинг ёрқин ифодасидир. Собиқ Эрон Президенти Саййид Муҳаммад Хотамий таъкидлаганидек, “Тасаввуф назарий жиҳатдан Ибн Арабийнинг баланд руҳдаги ажойиб асарлари туфайли ўзининг чўққисига кўтарилди” [6.23].

Буюк муаллим, донишманд аллома Муҳйиддин ибн Арабий Дамашқ шаҳри яқинидаги Қасуён тоғи ёнбағрига дафн этилган. Султон Салим I буйруғи билан XVI аср бошида унинг қабри устига маҳобатли мақбара қурилган. Бу мақбара ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, бугунги кунда зиёратгоҳга айлантирилган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: 2002.
2. Иброҳим Ҳаққул. Шайх Акбар. // “Тафаккур” журнали. - 2000. - № 1.
3. Академик востоковед. И.П.Петрушевский. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: ЛГУ, 1966.
4. Қаранг: Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М., 1989.
5. Қаранг: Суфийская мудрость. Составитель В.В.Ловский. – М., 1989.
6. Саййид Муҳаммад Хотамий. “Ислом тафаккури тарихидан”. –Т.: Минхож. 2003.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).